

**Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг
тизим ташкилотлар томонидан 2025 йил январь-сентябрь ойларида
амалга оширилган ишлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

I. Ўзбекистон стандартлар институти

1. 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида амалга оширилган ишлар:

Меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш бўйича:

Тадбиркорлик ва ҳўжалик юритувчи субъектларга **4831 та** стандарт фойдаланиш учун етказилди.

3584 та ГОСТ, 115 та ГОСТ Р, 215 та O'zMSt ва 917 та Халқаро стандартлар билан уйғунлашган миллий стандартлар (шундан 683 та O'zMSt ISO, 55 та O'zMSt EN, 80 та O'zMSt IEC, 50 та O'zMSt ACTM ва 49 та O'zMSt ЕЭК ООН).

Транспорт воситаларига VIN (WMI) кодини бериш бўйича:

Корхона ва ташкилотларнинг мурожаатларига асосан транспорт воситаларига **20 донa** идентификация VIN (WMI) коди берилди.

Штрих код бериш бўйича:

Корхона ва ташкилотларнинг мурожаатларига асосан давлат реестрига киритиш учун **1109 та** буюртма қабул қилиниб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга **7640 донa** штрих код асл нусха макетлари тайёрлаб берилди.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишида:

Стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида 2025 йил январь-сентябрь ойларида **4484 нафар** мутахассислар малакаси оширилди.

Кимё саноати маҳсулотлари 444 нафар, нефт ва газ саноати 601 нафар, электротехника маҳсулотлари 220 нафар, енгилсаноат (тўқимачилик ва чарм) 115 нафар, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати 183 нафар, қурилиш саноати 251 нафар, металлургия 249 нафар, алоқа ва ахборот технологиялари 45 нафар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш 169 нафар, машинасозлик 350 нафар, соғлиқни сақлаш 548 нафар, Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш соҳаларида 603 нафар, бошқа соҳалардан 706 нафар тингловчилар иштирок этди.

20 минг нафар мутахассиснинг билим ва кўникмасини ошириш:

Тадбиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг 2025 йил январь-сентябрь ойларида **16 666 нафар** мутахассисларини малакаси оширилди.

Кимё саноати маҳсулотлари 1165 нафар, Нефт ва газ саноати 738 нафар, электротехника маҳсулотлари 765 нафар, енгилсаноат (тўқимачилик ва чарм) 2628 нафар, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати 3108 нафар, қурилиш саноати 3154 нафар, металлургия 775 нафар, алоқа ва ахборот технологиялари 42 нафар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш 15 нафар, машинасозлик 721 нафар, соғлиқни сақлаш 356 нафар, бошқа соҳалардан 3199 нафар тингловчилар иштирок этди.

Мувофиқликни баҳолаш йўналишида:

Стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида **2 958 нафар** мутахассислар аттестациядан ўтказилди.

Тадбиркорларга услубий кўмак кўрсатиш йўналишида:

“STANDART” илмий-техник журналининг электрон шаклини **4 890 та** тадбиркорлик субъектларига тарқатилди.

Савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш йўналишида:

Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ва **GSP+** доирасида вазирлик ва идораларнинг буюртмасига мувофиқ Агентликдан белгилаб берилган KPI энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини бажариш режасига асосан амалда **1500 та** халқаро стандартлар асл тилда қабул қилинди.

Соҳа тармоқлари бўйича **3 094 та** стандартларнинг Жаҳон савдо ташкилотига мослигини кўриб чиқилиши таъминланди.

Стандартлаштириш йўналишида:

411 та ташкилот стандартлари (TS) ўрнига **40 та** миллий стандартлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Стандартларни экспертиза қилиш йўналишида:

337 та миллий стандартлар лойиҳалари экспертизадан ўтказилиб, белгиланган режа **3,6 бараварга** бажарилди.

Стандартларнинг ягона ахборот базаси йўналишида:

Фонддаги миллий стандартлар салмоғини Халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш даражаси амалда **40,6 %**га етказилди.

Техник қўмиталар фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишида:

35 та техник қўмита фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, техник қўмита аъзолари сони **840 нафарга** етказилди.

Давлат идоралари вакиллари – 366 нафар, хусусий бизнес вакиллари – 274 нафар, Олий таълим муассасалари вакиллари – 200 нафар.

135 та Давлатлараро техник қўмита (МТК) фаолиятида **103 нафар** ваколатли вакиллар, **49 нафар** кузатувчилар, **15 нафар** экспертлар - ЖАМИ: **167 та** вакил мазкур давлатлараро техник қўмиталарда Ўзбекистон Республикаси номидан фаолият юритмоқдалар.

Давлат идоралари вакиллари – 72 нафар, хусусий бизнес вакиллари – 71 нафар, Олий таълим муассасалари вакиллари 24 нафар.

Ҳисобот даврида **160 дан** ортиқ лойиҳа кўриб чиқилиб, таклифлар киритилди.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) техник қўмиталари фаолиятида **44 нафар** мутахассис “тўлақонли”, **265 нафар** мутахассис “кузатувчи” мақомида иштирок этиши таъминланди.

Ҳисобот даврида **75 та** ISO техник қўмитаси доирасида жами **148 та** лойиҳа кўриб чиқилиб, овоз берилди. (**48 та** лойиҳа ўрганиш жараёнида).

Халқаро Электротехника Қўмитаси (IEC) техник қўмитаси фаолиятида **4 нафар** мутахассислар “тўлақонли” аъзо мақомида иштирок этмоқда.

Ҳисобот даврида мутахассислар томонидан **97 та** халқаро стандарт лойиҳалари кўриб чиқилиб, таклифлар киритилди.

Вазирлик ва идоралар қошида (Стандартлар институтининг 18.02.2025 йилдаги 55/СТҚ-сон буйруғи билан **STQ 11** “Статистик усуллари кўллаш” соҳасида, 26.03.2025-йилдаги 76/STQ-сон қарори билан “Ўзбеккимёмаш заводи” акциядорлик жамияти ҳузурида **STQ 14** “Идишлар ва ускуналар” соҳасида, 13.05.2025 йилдаги 99/СТҚ-сон қарори билан **STQ 16** “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги” соҳасида, ҳамда 25.08.2025 йилдаги 107/СТҚ-сон қарори билан **TQ 28** “Путур етказмасдан текшириш” соҳасида) **жами 4 та** (режага нисбатан **133,3 %**га бажарилди) стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ташкил этилган.

Маънавий-маърифий тадбирлар ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлар бўйича:

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида - **18 та** маънавий-маърифий тадбирлар, телевидениеда - **35 та**, радиода - **16 та**, матбуотда - **18 та**, ижтимоий тармоқ орқали - **903 та**, жами оммавий ахборот воситаларида - **990 та** чиқишлар (режага нисбатан **2,4 бараварга кўп**) ташкил этилган.

II. Ўзбекистон илмий синов ва сифат назорати маркази

Синов лабораторияларини модернизация қилиш йўналишида:

Январь-сентябрь ойларида синов лабораторияларни аккредитация талабларига мослаштириш, аккредитация соҳасини кенгайтириш, янги синов усулларини қамраб олиш мақсадида, **688 та** ўлчаш воситалари харид қилинди.

Январь-сентябрь ойларида жами **97 819 та** синов баённомалари расмийлаштирилди.

Январь- сентябрь ойларида **129 та** маҳсулотлар **сифатсизлиги** аниқланди.

Лабораториялар синов кўрсаткичини **1 883 тага етказиш:**

Йил бошидан **1 535 та** синов кўрсаткичига кенгайтирилди. **199 та** синов кўрсаткичлари бўйича аудит бўлиб ўтди. **981 та** синов кўрсаткичларини ўзлаштириш бўйича Аккредитация марказига ариза тақдим этилди.

а) “Quality and Safety-Testing” аккредитация соҳаси автотранспорт воситалари хайдовчи ва йўловчи салонига ажраладиган зарарли моддалар миқдорини аниқлаш **3 та** синов кўрсаткичига;

Қашқадарё филиали синов лаборатория мажмуаси озиқ-овқат, электр техника, маҳсулотларини **115 та**, Хоразм филиали синов лаборатория мажмуаси озиқ-овқат, электротехника, қурилиш маҳсулотларини **197 та**, Фарғона филиали синов лаборатория “Кварц” АЖ билан ҳамкорликда қурилиш ойна маҳсулотлари **19 та**, Қўқон филиали синов лабораторияси **101 та**, Навоий филиали синов лаборатория мажмуаси озиқ-овқат, қурилиш ва шина маҳсулотлари бўйича **127 та**, Бухоро филиали синов лабораторияси озиқ-овқат, электротехника, қурилиш маҳсулотларини **21 та**, Наманган филиали синов лаборатория мажмуаси тўқимачилик, кимё-полимер электротехника маҳсулотларини **43 та**, Сифат назорати ва илмий тадқиқотлар марказий лабораторияси **75 та**, Сурхондарё филиали синов лаборатория мажмуаси қурилиш маҳсулотларини **23 та**, Тошкент Синов лаборатория мажмуаси “Технопарк” МЧЖ билан ҳамкорликда маиший совуткичлар энергия самарадорлигини баҳолаш ва бошқа синовлар бўйича **67 та**, UzMetConstruction синов лаборатория мажмуаси полимер ва цинк қопламали металл лист, полимер ва акрил ванна, иситиш радиатори, маҳсулотлари **192 та**, Жиззах филиали синов лаборатория мажмуаси полиэтилен трубалар маҳсулотларини **54 та**, Самарқанд филиали синов лаборатория мажмуаси электротехника, қурилиш маҳсулотларини **32 та**, Фарғона филиали синов лаборатория мажмуаси “Автоойна” АЖ билан ҳамкорликда Авто ойна қисмларини **36 та**, Тошкент Синов лаборатория мажмуаси “code IP” синов кўрсаткичлари ва бошқа синовлар бўйича **149 та** Қорақалпоғистон филиали синов лаборатория мажмуаси озиқ-овқат, текстил, қурилиш, мебел маҳсулотларини **57 та** синов кўрсаткичига кенгайтириш бўйича баҳолаш аудити бўлиб ўтди, Самарқанд филиали синов лаборатория мажмуаси озиқ-овқат ва парфюмерия-косметика **220 та**, Андижон филиали синов лаборатория мажмуаси озиқ-овқат **20 та** синов кўрсаткичларига кенгайтирилди

б) Навоий филиали синов лаборатория мажмуаси озиқ-овқат маҳсулотларини **145 та** қурилиш ва **27 та** озиқ-овқат, Наманган филиали синов лаборатория мажмуаси озиқ-овқат, текстил, қурилиш маҳсулотларини **11 та**, синов кўрсаткичига кенгайтириш бўйича баҳолаш аудити бўлиб ўтди. Аудитда аниқланган номувофикликлар бартараф этилмоқда.

в) Чирчиқ ҳудудий филиали таъмирлаш ишларидан сўнг **62 та** синов усулига барча аккредитация ҳужжатлари тайёрланиб ноябрь ойига аккредитация соҳасини кенгайтириш режалаштирган.

Тошкент Синов лаборатория мажмуаси Беларус аккредитациядан ўтказилган синов кўрсаткичларини Ўзбекистон Аккредитация марказидан аккредитациядан ўтказиш мақсадида **350 та** синов кўрсаткичлари бўйича, Бухоро филиали синов лабораторияси мажмуаси Беларус аккредитацияси соҳасини миллий аккредитацияга ўтказиш учун жами **4 та** ариза асосида **569 дан** ортиқ синов кўрсаткичларни ўзлаштириш юзасидан ариза тақдим этди. Quality and Safety Testing лабораторияси ҳам барча аккредитация ҳужжатларини тайёрлаб қўйган 5-май куни ариза шакллантириб аккредитация марказига тақдим этилди, баҳолаш аудит келиши кутилмоқда. Тошкент Синов лаборатория мажмуаси 10-13-июнь кунлари жойда баҳолаш аудит бўлиб ўтди камчиликлар бартараф этилмоқда.

Наманган вилояти “**Юксалиш**” кичик саноат зонаси ҳудудида ташкил этилиши белгиланган барча йўналишлар бўйича синаш ва ўлчаш воситалари харида юзасидан жами **60 та** шартномалар имзоланган. Бунда, жами **177 та** синов ускуналари етказиб берилиши белгиланган. Шундан, ҳозирги кунга қадар **175 та** синов ускуналари етказиб берилди.

Қолган **2 та** етказиб берилиши режалаштирилган. Ҳозирда ушбу ускуналарни ўрнатиш, ишга тушириш, шунингдек, ходимларни ўқитиш ишлари олиб борилмоқда.

“**ANGLESEY FOOD**” МЧЖ ХК “**Корзинка**” савдо белгиси остида фаолият олиб борадиган савдолар тармоғлари ташкил этаётган логистика марказида “ЎзТест” ДМга майдон ажратилишига келишилди. Хамкорликда лаборатория лойиҳаси ишлаб чиқилди. Марказ лабораториясида текширилган маҳсулотлар маркировкасига “ЎзТест” томонидан мақулланган логотип қўшилди. **Korzinka.uz** томонидан тақдим этилган **6 000 хил** ортиқ номланишдаги маҳсулотлар таҳлили ўтказилди ва асосий кўрсаткичлари умумлаштирилиб, зарурий синов ускуналар ва синов кўрсаткичлар рўйхати тақдим этилди. Ҳозирда қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, “**Korzinka**” бренди тақдим этаётган маҳсулотлар “UzTest” ДМ лаборатория томонидан синовлар ўтказилиб, маҳсулот маркировкасига “UzTest” ДМ томонидан мақулланган тамғасини қўйиш амалиёти жорий этилди.

Андижон ва **Самарқанд филиалларида** аккредитация маркази томонидан даврий баҳолаш аудитлари ўтказилиб, **Самарқанд филиали** физик кимё лабораторияси жорий ҳамда аввалги йилги даврий баҳолаш натижасига кўра, фаолияти тўтатилмасдан аккредитация гувоҳномаси тасдиқланди.

Электротехника жихозларининг **code IP** қобиғини ҳимояланганлик даражасини аниқловчи, қоғоздан тайёрланадиган қадоқларни синовчи ускуналар етказиб берилиб, синов усуллари ўзлаштирилди.

Қадоқ маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент синовларини қамраб олиш учун **зарурий ускуналар рўйхати** шакллантирилиб, техник топшириқ ишлаб чиқилди. Андижон, Бухоро, Самарқанд филиаллари лабораторияларига **харид қилиш учун шартномалар имзоланди**.

Провайдерлик синовларини ташкил этиш мақсадида, **Халқаро провайдерлар** (Германия, Россия, Чехия, Беларус, Қирғизистон)га улар ташкил этаётган солиштирув синов турларида иштирок этиш мақсадида хат юборилиб, музокаралар олиб борилди.

Корея Республикаси билан кондиционер энергия самарадорлигини баҳолаш бўйича солиштирув синовларини ташкил этиш мақсадида, **Корея**

Республикасидан кондиционер келтирилиб, Синов лабораториялар мажмуасида синовлари олиб борилди.

Янги Тошкент ҳудудида Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига ажратиладиган майдонда лабораториялар **Кампуси лойиҳаси** ишлаб чиқиш учун лабораториянинг талабларини ифодаловчи дастлабки эскизлар ишлаб чиқилиб, **Туркия мамлакатидан** ташриф буюрган мутахассисларга тақдим этилди.

Сирдарё филиали Россиянинг **ВНИИМ** билан (*Алкагол, табиий газ ва косметика*) маҳсулотлари билан, Қўқон, Хоразм, Самарқанд филиаллари Қуритилган ўрик маҳсулоти Беларус Республикаси **БелГИМ** провайдери билан, Қорақалпоғистон филиали буғдой дони намлиги ва тушиш сони кўрсаткичлари бўйича Москванинг ФГБУ «**ЦОК АПК**» провайдери билан, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё филиаллари Россиянинг **ВНИИМ** билан қурилиш маҳсулотлари (*шебен, қум*) билан, Бухоро филиали мутахассислари ҳамда **Россия Федерацияси** вакиллари **Сок маҳсулотлари** билан, **Андижон филиали** Россиянинг **ВНИИМ** билан Металл маҳсулоти солиштирма синовларида иштирок этилди.

“**Intertek**” компанияси вакиллари билан учрашув ташкил этилиб, Синов лабораторияларидан фойдаланиш, синов баённомаларига “**Intertek**” компанияси логотипини қўйиш имконияти тўғрисида музокаралар олиб борилди. “**Intertek**” компанияси вакиллари томонидан Синов лабораторияларда ўрганиш ўтказилиб, энг кўп экспорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхати ажратиб оlinиб, ушбу маҳсулотлар халқаро талаблари лабораторияда ўзлаштириш бўйича ишлар олиб борилди.

Экспортга йўналтирилган маҳсулотларга берилган синов баённомалари халқаро даражада тан олиш учун **SGS** компанияси ҳамкорлик шартнома келишуви тақдим этди.

Лабораторияларни ривожлантириш бўйича **ЭМС** лабораториясининг без эховая камера ичига динамометрик стенд харид қилиш учун техник топшириқ ишлаб чиқилди.

UN 101 қоидалари бўйича харид жараёнлари учун Автосаноат ҳамда Агентлик раҳбарияти томонидан музокаралар олиб борилиб, ускуналар харид қилиш учун беғараз маблағ ажратилишига эришилди.

Ҳудудий филиаллар томонидан саноат корхоналарини ўрганиш натижасида, 2026-йилда Фарғона ва Навоий вилоятларида табиий газ синовларини йўлга қўйиш, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Хоразм Наманган филиаллари лабораторияларга “Қора бурчак” харид қилиш орқали электротехника жихозларни қизишга чидамлилиқ кўртсаткичини қамраб олиш режалаштирилди.

“Technopark” ҳамда “Akfa Group” МЧЖлар билан ҳамкорликда иситиш радиаторлари, Алюмин ва ПВХ Эшик ва ром профиллари ва аксессуарлари синови, RoHS директиваси асосида синовларни ташкил этиш, Паст кучланишли ускуналар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент бўйича қамраб оlinмаган кўрсаткичларни қамраб олишга, ва Технопарк ҳудудида Кир ювиш машиналарни энергия самарадорлигини баҳолаш лабораторияси, Бойлер маҳсулоти синови, Қаттиқ ёқилғида ишлайдиган иситиш қозонлари юиргаликда синовларини қамраб олишга келишилди.

“Sam Avto” МЧЖ ҚК билан ҳамкорликда Пскент автополигони лаборатория филиалида Транспорт воситаларини халқаро талаблар UN 28 ва

UN 14 қоидалари асосида хавфсизлик камарлари ва ўриндиқлар синовини ташкил этишга келишилди.

Пскентда “Artel Electronics” МЧЖ билан ҳамкорликда маиший совуткич ва музлаткичларни энергия самарадорлигини баҳолаш лабораторияси ташкил этилди.

6 та синов лабораториясини ишга тушириш :

1. Маиший кондиционерлар ва совуткичларни энергия самарадорлигини баҳолаш бўйича синаш ускуналаридан ижара шартнома асосида фойдаланиш юзасидан “Technopark” МЧЖ билан ҳамкорликда аккредитация соҳаси кенгайтирилди.

2. Акустик лабораторияга зарур ускуналарни харид қилиш бўйича 2024 йил 17 декабрда **“Exporta s.r.o.”** (Чехия) компанияси билан шартнома имзоланди;

жорий йилнинг 4-8 февраль кунлари Чехияга кредит олиш мақсадида хизмат сафарида борилди. Жорий йилнинг 28 февралда Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида банк вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Жорий йил июль-август ойларидан дастлабки ускуналар тўплами етказиб берилиши бошланди (2 та шартномага асосан).

3. Ойна маҳсулотлари синаш бўйича ижара шартномаси **“Кварц” АЖ** билан имзоланди. **19 та** синов усулига аккредитация соҳаси кенгайтирилди.

4. “Quality and Safety-Testing” синов лабораторияси бўлган автотранспорт воситаларини кўндаланг статистик барқарорлик бурчагини аниқлаш имконини берувчи синов воситаларини беғараз етказиб бериш бўйича **“Toshkent Traktor Zavodi” МЧЖ** билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Тошкент трактор заводида стенд тайёрланди. Тошкент вилояти, Пскент туманида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Стендни махсус тайёрланган асосга ўрнатилиб, синовлар йўлга қўйилди.

5. Ўйинчоқ маҳсулотини синовини хавфсизлик кўрсаткичларига кенгайтириш мақсадида Жаҳон банки ускуналаридан оқилана фойдаланиш ва уларни қайта йўналтириш орқали Қашқадарё филиалидаги **Газ хроматографи - МС, Бухоро филиалидаги** иккинчи **ВЭЖХ** ускуналарини фойдаланиш режалаштирилмоқда. Аккредитация марказига аккредитация соҳасини кенгайтириш юзасидан ариза тақдим этилди.

6. Иситиш радиаторларини синаш бўйича **“Akfa Group”** компаниясининг **“Техник синовлар” МЧЖ** билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Аккредитация марказига ариза берилиб, Аккредитация соҳаси кенгайтирилди.

Сертификатлаш йўналишида:

Январь-сентябрь ойларида маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари томонидан жами **28 377 та**, шундан, 7 чизма **24 583 та**, 3 чизма **3 791 та**, 4 чизма **3 та** мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди.

Январь-сентябрь ойларида **5 та** ҳолатда маҳсулот **сифатсизлиги** аниқланиб, маҳсулотлар **яроқсиз деб топилди**.

Январь-сентябрь ойларида **“Хоразм”** маҳсулотларни сертификатлаштириш органи “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДМ томонидан 2025 йил 7 март куни **О‘ZAK.MS.0114-сон** билан, **“Тошкент-1”** маҳсулотларни сертификатлаштириш органи “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДМ томонидан **О‘ZAK.MS.0115-сон** билан, **“Тошкент-2”** маҳсулотларни сертификатлаштириш органи “Ўзбекистон

аккредитация маркази” ДМ томонидан 2025 йил 12 май куни **O‘ZAK.MS.0117-сон** билан миллий аккредитация тизими реестрида рўйхатдан ўтказилди.

“**Машинасозлик ва металл**” маҳсулотларни сертификатлаштириш органи аккредитация гувоҳномаси 2025 йил 8 апрелда қайта тикланди.

Тошкент” маҳсулотларни сертификатлаштириш органи аккредитация доираси:

- **3301, 3303-3307 ва 3401 ТИФ ТН кодлари** гуруҳига мансуб парфюмерия ва косметика маҳсулотлари;

- **7003129100, 7003129900, 7003199000, 7005100500, 7005102500, 7005103000, 7005108000, 7005212500, 7005213000, 7005218000, 7005292500, 7005293500, 7005298000, 7007191000, 7007192000, 7007198001, 7007198009, 7007290000 ТИФ ТН кодларига** мансуб ойна маҳсулотларига кенгайтирилди.

Худудий филиалларни ривожлантириш, мувофиқликни баҳолаш бўйича келиб тушаётган аризаларни самарали ҳал этиш учун Тошкент шаҳридаги “**Электротехника**” маҳсулотларни сертификатлаштириш органини Марказнинг **Самарқанд** филиалига ўтказилди.

Менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи, 2025 йил 5 июндан, **Озиқ-овқат парфюмерия ва косметика** маҳсулотларини сертификатлаштириш органи “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДМнинг баҳолаш гуруҳи томонидан даврий баҳолашдан ўтказилиб, жорий йилнинг **4 июлдан**, “**Машинасозлик ва металл**” маҳсулотларни сертификатлаштириш органи “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДМ томонидан қайта аккредитациядан ўтказилиб, жорий йилнинг **18 августдан аккредитация гувоҳномаси** қайта тикланди.

“**Тошкент**” маҳсулотларни сертификатлаштириш органи аккредитация доираси **8418102001, 8418108001, 8418211000, 8418219100, 8418219900, 8418302001, 8418308001, 8418402001, 8418408001 ТИФ ТН кодларига** мансуб Приборы холодильные бытовые (Комбинированные холодильники-морозильники с отдельными наружными дверями или ящиками, или их комбинациями. Холодильники бытовые: компрессионные. Морозильники бытовые) маҳсулотларига;

8418102008, 8418108008, 8418109000, 8418215100, 8418215900, 8418290000, 8418302008, 8418308008, 8418402008, 8418408008, 8418501100, 8418501900, 8418509000 ТИФ ТН кодларига мансуб Торговое холодильное оборудование (Комбинированные холодильники-морозильники с отдельными наружными дверями или ящиками, или их комбинациями. Морозильники типа “ларь”. Морозильные шкафы вертикального типа. Холодильные витрины и прилавки (с холодильным агрегатом или испарителем) маҳсулотларига;

8416201000, 8416202000 ТИФ ТН кодларига мансуб, Горелки газовые автоматические. Газогорелочные устройства для отопительных бытовых печей, работающих на природном газе (Горелки только для газа, имеющие в своем составе вентилятор и устройство управления. Горелки комбинированные) маҳсулотларига;

8428908009 ТИФ ТН кодига мансуб, Платформы подъемные для инвалидов и других маломобильных групп населения (Подъемник для инвалидов и маломобильных групп населения) маҳсулотларига;

3208101000, 3208109000, 3208201000, 3208209001, 3208209009, 3208909101, 3208909900, 3209100009, 3209900000, 3210001000, 3210009000 ТИФ ТН кодларига мансуб, Материалы лакокрасочные (Краски и лаки (включая эмали и полиуреты) на основе синтетических полимеров или химически модифицированных

природных полимеров. масляные краски и лаки) маҳсулотларига аккредитация доираси кенгайтирилди.

“Тошкент-1” маҳсулотларни сертификатлаштириш органи томонидан аккредитация доирасини кенгайтириш мақсадида ҳужжатлар тайёрланиб, “Аккредитация маркази” ДМга ариза юборилган, баҳолаш гуруҳи томонидан жорий йил **29-30 сентябрь** кунлари жойнинг ўзида баҳолашдан ўтказилиб, сертификатлаштириш органи томонидан тайёрланган ҳужжатларни “Аккредитация маркази” ДМда янги ишлаб чиқилган шакл бўйича қайта шакллантириш ишлари олиб борилмоқда.

Сифат менежменти тизимлари йўналишида:

Экспортчи корхоналарга халқаро сифат тизимларини жорий этишни кенгайтириш мақсадида **1,6 мингта** корхоналарда **халқаро сифат тизимларини** жорий этиш белгиланган бўлиб, жорий йил бошидан **1163 та** корхоналарга менежмент тизимлари жорий қилинишига кўмаклашилиб, **мувофиқлик сертификатлари** расмийлаштирилди.

Қорақалпоғистон режа – **74 та**, амалда – **35 та**, Андижон режа – **140 та**, амалда – **81 та**, Бухоро режа – **90 та**, амалда – **66 та**, Жиззах режа – **84 та**, амалда – **87 та**, Қашқадарё режа – **110 та**, амалда – **90 та**, Навоий режа – **80 та**, амалда – **66 та**, Наманган режа – **114 та**, амалда – **92 та**, Самарқанд режа – **100 та**, амалда – **90 та**, Сурхондарё режа – **100 та**, амалда – **72 та**, Сирдарё режа – **84 та**, амалда – **49 та**, Фарғона режа – **115 та**, амалда – **92 та**, Хоразм режа – **300 та**, амалда – **153 та**, Тошкент вилояти режа – **166 та**, амалда – **90 та**, Тошкент шаҳри режа – **122 та**, амалда – **100 та**.

Соҳалар кесимида: енгил саноат **59 та**, кимё ва нефт-кимё **28 та**, қурилиш **844 та**, машинасозлик ва металлургия **41 та**, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги **79 та**, фармацевтика **6 та**, чарм-поябзал **6 та**, электротехника **27 та** бошқалар **73 та**ни ташкил этади.

Менежмент тизимларини сертификатлаш идораси **2025 йилда IQNet** халқаро ташкилотига тўлақонли аъзоликка қабул қилинишига эришиш мақсадида Менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи аккредитация доирасини **ISO 22003-1:2022** ва **ISO 50001:2019** стандартларига кенгайтириш бўйича Аккредитация маркази томонидан **2024 йил 28-29 ноябрь** кунлари аудит ўтказилди. Аудит натижаларига кўра, аниқланган номувофиқликлар бартараф этилиб, Аккредитация марказининг **06/121**-сон хабарномасига асосан Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораси аккредитация доираси **ISO 22000** ва **ISO 50001** стандартларига кенгайтирилди. Шунингдек **озиқ-овқат маҳсулотлари** бўйича **ISO 9001** халқаро стандартига мувофиқ аккредитация доираси кенгайтирилди.

Шу билан бирга, **IQNet** халқаро ташкилотига аффилланган аъзолик бадал пуллари тўлаб берилди. **IQNet** ташкилоти томонидан ассоциалланган аъзолик даражасига ўтиш бўйича менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи ҳужжатлари инглиз тилида тайёрланиб, жорий йил 4 июлда электрон почта орқали юборилди. Жорий йилнинг **2-3-октябри**да **IQNet** ташкилоти томонидан менежмент тизимларини сертификатлаштириш органида аудит ўтказилди.

Январь-сентябрь ойлари давомида **266 та** корхоналарда жорий этилган менежмент тизимларини сертификатлаш ишлари натижасида **727 та ISO** сертификатлари расмийлаштирилди.

Экспортга кўмаклашиш йўналишида:

Январь-сентябрь ойлари давомида ҳудудлардаги **1522 та** (сентябрда **170 та**) экспортёр корхонага соҳага оид **1802 та** амалий ёрдам ва консултиватив хизматлар кўрсатилди, хорижий давлатлар ҳамда халқаро стандартлар талаблари етказилди:

стандартлаштириш **362 та**, сертификатлаштириш **295 та**, менежмент тизимлари **516 та**, метрология **205 та**, қадоқлаш ва ёрлиқлаш **289 та**, бошқа масалаларда **135 та**.

Амалий ёрдам кўрсатилган корхоналар:

Қорақалпоғистон Республикаси – **43 та**, Андижон – **201 та**, Бухоро – **92 та**, Жиззах – **85 та**, Қашқадарё – **110 та**, Наманган – **178 та**, Навоий – **96 та**, Сирдарё – **76 та**, Самарқанд – **110 та**, Сурхондарё – **87 та**, Тошкент шаҳри – **97 та**, Тошкент вилояти – **41 та**, Хоразм – **106 та**, Фарғона вилояти **200 та**.

Ҳудудлардаги **97 та** экспортёр корхонага **210 та** мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилди (**125 та** сертификат ва **85 та** синовлар).

Андижонда **3 та**, Бухорода **8 та**, Жиззах вилоятида **4 та**, Қашқадарёда **34 та**, Навоийда **13 та**, Наманганда **15 та**, Самарқандда **11 та**, Сирдарёда **19 та**, Сурхондарё **4 та**, Тошкент шаҳрида **2 та**, Тошкент вилоятида **6 та**, Фарғонада **87 та**, Қорақалпоғистонда **4 та**.

Январь-сентябрь ойларида **1492 та** (сентябрда **84 та**) экспортёр корхоналарга жойига чиққан ҳолда соҳага оид кўмаклашиш мақсадида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Қорақалпоғистонда **15 та**, Андижонда **315 та**, Бухорода **32 та**, Жиззахда **18 та**, Қашқадарёда **46 та**, Навоийда **34 та**, Наманганда **266 та**, Самарқандда **112 та**, Сирдарёда **18 та**, Сурхондарёда **30 та**, Тошкент вилоятида **143 та**, Хоразмда **15 та**, Фарғонада **143 та**, Тошкент шаҳрида **305 та**.

Экспортёр корхоналарни соҳага оид имтиёзлар ва янгиликлар билан кенг таништиришда Агентлик, Стандартлар институти ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-тренингларда **1385 та** экспортчи корхонадан **1710 дан** ортиқ ходимларнинг (онлайн-офлайн) иштироки таъминланди.

12 та корхона билан Европа иттифоқининг мувофиқлик белгиси **СЕ маркировка**ни расмийлаштириш учун “**Conformity Assessment Center**” МЧЖ ўртасида шартнома имзоланди.

Маълумот учун: Жиззах – “Basalt Group”, Қашқадарё – “Alp Texno Servis” ХК, Фарғона – “Thermo Tech” МЧЖ, “Golden Valley Fasteners” МЧЖ, Самарқанд – “Elite-Elektro-Group” МЧЖ, “Ferexpo” МЧЖ, “Sam-Ferre” МЧЖ, “Sam Elektro Servis” МЧЖ, Навоий – “Tiancheng Stone” МЧЖ, Тошкент вилояти – “Agromax technic” МЧЖ, “Sinoma Gbm” МЧЖ, Тошкент шаҳри – “Osten Leader” МЧЖ

Маҳсулотлар кесимида: базалт, декортатив тошлар, машиный техникалар, бетон учун қўшимчалар, трактор эҳтиёт қисмлари, иситиш радиаторлари, металл маҳсулотлари.

Чехиянинг “**Engineering Test Institute, SZÚ**” ва “**ZÚS - The Technical and Test Institute for Construction**” мувофиқликни баҳолаш идоралари билан ишлар олиб борилмоқда.

Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш йўналишида:

Январь-сентябрь ойларида турли йўналишларда **618 нафар** ходимлар малакалари оширилди.

Олий таълим муассасалари томонидан тавсия қилинган битирувчилар ва Марказ сайтида эълон берилган бўш иш ўринларига суҳбат ўтказилиб, **15 нафар** битирувчилар Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари синов лабораториялар мажмуасига ишга қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2024 йил 30 март**даги **177-сон** Қарорига асосан, Ўзбекистон Стандартлар институтида **255 нафар** малака оширган, шунингдек, **253 нафар** ходимлар аттестациядан ўтган, **2 нафари** ўта олмаган.

5 та Олий таълим муассасалари билан тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномаларга асосан танишув, ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиёти бўйича **98 нафар** талаба амалиёт ўтади.

Олий таълим муассасалари томонидан тавсия қилинган битирувчилар билан суҳбат ўтказилиб, **17 нафар** битирувчи синов лабораториялар мажмуасига ишга қабул қилинди.

Марказда **49 нафар** ходим билан янги меҳнат шартномалари тузилиб, **21 нафар** ходим билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Илм фан йўналишида:

Марказда фаолият олиб бораётган ходимларнинг **136 нафари** бакалавр, **146 нафари** магистр дипломига эга, 2024 йилда (*PhD*) илмий даражага эга ходимлар сони **3 тани** ташкил этган бўлса, бугунги кунга уларнинг сони **6 тага** етказилди.

Олий таълимдан кейинги таълим босқичи таянч докторантурада Марказдаги лабораториялар ва ҳудудий филиалларида фаолият олиб бораётган **21 нафар** ходимлар мустақил тадқиқотчи сифатида илмий изланишлар олиб бормоқда.

2025-2026 ўқув йили учун магистратурага ҳужжат топширмоқчи бўлганлар сони **23 нафарни** ташкил этади. Соҳада кадрлар юқори малакали бўлиши, замонавий талабларга мос келадиган, илмий асосланган билим ва кўникмаларга эга бўлишлари мақсадида, 05.03.01 Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича) ихтисослиги бўйича мустақил изланувчилик шаклидаги олий таълимдан кейинги таълим тизими – таянч докторантура ташкил этилди. Марказда ташкил этилган докторантура ўқишига 2025-йил II-чораги учун мустақил тадқиқотчиликка **3 нафар** талабгор қабул қилинган бўлса, III-чораги учун **2 нафар** талабгор қабул қилинди.

“Илмий-синов ва сифат назорати” илмий-техник журнали фаолиятини йўлга қўйилди. Журнал давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида 629849-сон лицензияга ва **ISSN 3060-5539** рақамига эга. Бугунги кунга қадар, журналнинг **3 та** сони нашр этилди.

Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиларнинг диссертация ишлари, ОТМ профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган ўқув қўлланмалар, дастурлар ва монографиялар учун белгиланган тартибда **тақризлар** бериб борилмоқда (*10 та илмий ишлар бўйича тақризлар ёзиб берилди*).

Ходимларнинг интеллектуал мулк агентлигидан олинган муаллифлик ҳуқуқлари сони жами **6 тани** ташкил этади. Булар **2 та** ихтиро патенти, **1 та** фойдали модель патенти, **3 та** дастурий таъминот учун олинган **DGU** ҳужжатларидан иборат.

Илмий маълумотлар базаси ҳисобланган **PIVOT-RP** да мавжуд маълумотларни ўрганиб чиқиш, ушбу базадан тўлақонли ва имтиёзли фойдаланиш учун “ЎзТест” ДМ расмий рўйхатдан ўтди.

Оммавий ахборот коммуникациялар йўналишида:

Сентябрь ойида тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган соҳа хизматларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида, оммавий ахборот

воситаларида **61 та** телевиденияда **12 та**, ижтимоий тармоқларда **39 та**, газетада **2 та**, сайтларда **5 та**, радиода **1 та** ҳамда **2 та** видеороликлар тайёрланди.

III. Ўзбекистон миллий метрология институти

Миллий эталонлар базасини ривожлантириш, лабораторияларни модернизация қилиш ҳамда инфратузилма яратиш бўйича

2024 йилда молиялаштирилган жами **9 та** (Суюқликларнинг электр ўтказувчанлиги бирлиги, Ғадир будирлик катталиклари, Ҳажм ўлчаш бирлиги, pH ва рХ эталонлари, Сатҳ ўлчачагичларини текшириш учун намунали қурилма, Градус — текис бурчак бирлик эталони, Бирламчи нисбий намлик бирлиги, Электр ва магнит майдонлари кучланганлиги) **эталонлари** келтирилиб, эталонлар сони **38 тага** етказилди.

Жорий йилнинг октябрь ойида Эталон-динамометр келтирилиши кутилмоқда.

2025 йилда умумий қиймати **9 та** эталон харид қилиш белгиланган. Техник топшириқлар ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш мақсадида “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга тақдим этилди.

Ҳисобот кунига бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган **9 та** эталондан **5 таси** учун маблағ ажратилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-16-сон Фармони ва ПҚ-91-сон қарори ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида 2025 йилда Давлат бюджетидан молиялаштиришга **қолган 4 та** юқори аниқликдаги эталонлар учун маблағни ажратилишида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига мурожаат юборилди (Агентликнинг 25 июльдаги 02-17-2859-сон хати).

Бундан ташқари, лабораторияларнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш мақсадида **105 та** (шундан **94 таси** ҳудудий филиаллар) ўлчаш воситалари ва ёрдамчи ускуналар харид қилинди.

Шунингдек, Газ қоришмаларини тайёрлаш бўйича лаборатория комплексини (газ хроматографлари) харид қилиш бўйича тендер ҳужжатлари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилди ва тегишли хулосалари олинган.

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича:

Халқаро тарози ва ўлчовлар бюросининг (BIPM) аъзоси сифатида қўшилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси **Қонун** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентиининг **қарор** лойиҳалари ишлаб чиқилиб, **Вазирлар Маҳкамасига киритилди.**

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан кўриб чиқилиб, маақулланди.

Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти (OIML) ҳужжатлари асосида метрологик меъёр ва қоидаларни қабул қилиш режа-жадвалига асосан жами **20 та** миллий **стандарт** қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, **10 таси** ўрнатилган тартибда рўйхатга олиниб, **10 таси** ўрнатилган тартибда рўйхатга олиш учун Стандартлар институтига киритилди.

Ҳозирги кунда Стандартлар институти томонидан экспертиза амалга оширилмоқда.

Ўлчашлар ягона бирликда бўлишни таъминлаш борасида жами **15 та** миллий **стандартлар** (қонунлаштирувчи метрология, ионловчи нурланиш, путур етказмасдан текшириш, ёқилғи, ўлчашларни бажариш услубийёти, электр ва магнетизм, турини тасдиқлаш, газ сарфи ва босим йўналишлари) **ишлаб чиқилиб, 11 та** стандарт ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, **1 таси** Стандартларни **жамоатчилик муҳокамасига, 1 таси** Метрология бўйича стандартлаштириш **миллий** техник қўмитага киритилди ҳамда **1 таси** Стандартлар институтига киритилди.

O'zMSt 594:2025 "O'zbekiston Respublikasining O'lchashlar biriliginini ta'minlash davlat tizimi. Metrologiya bo'yicha xalqaro lug'at. Asosiy va umumiy tushunchalar va tegishli atamalar" ҳамда O'zMSt 595:2025 "O'zbekiston Respublikasining O'lchashlar biriliginini ta'minlash davlat tizimi. Qonunlashtiruvchi metrologiya atamalar xalqaro lug'ati" стандартлари рўйхатга олинди

Шунингдек, маънан эскирган давлат стандартларини янгилаш борасида чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, сентябрь ойида **4 та** миллий **стандартлар ишлаб чиқилиб, 3 таси** Стандартларни **жамоатчилик муҳокамасига** ҳамда **1 таси** Стандартлар институтига киритилди.

Халқаро даражада этироф этилиш бўйича

Халқаро тарози ва ўлчовлар бюросининг (BIPM) базасида Республикамизнинг калибрлаш ва ўлчаш имкониятлари тўғрисидаги ёзувлари (СМС-қаторлар) радиация ҳамда вақт ва частота йўналиши бўйича қўшимча **4 тага кенгайтирилиб, уларнинг сони 9 тага етказилди.**

Шунингдек, СМС-қаторлар сонини янада кенгайтириш мақсадида КООМЕТ ҳамда AFRIMETS доирасида **7 та янги** (вақт ва частота йўналиши, ҳарорат, электр ва магнетизм, масса) солиштириш лойиҳасига қўшилиб, иштирок этилаётган солиштириш лойиҳалари **33 тага** етказилди.

23–24 сентябрь кунлари **Минтақавий метрология ташкилотлари ва BIPM бирлашган қўмитасининг (JCRB)** навбатдаги йиғилиши **илк бор** Тошкентда ўтказилди.

Бундан ташқари, **24-25 апрель** кунлари КООМЕТ Президенти Кенгашининг навбатдаги **40-йиғилиши** илк бора Ўзбекистонда бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида КООМЕТ ташкилоти офиси очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Росстандарт агентлиги раҳбари А.Шалаев раҳбарлигидаги делегация аъзолари иштирок этди.

Шунингдек, КООМЕТнинг **20-21 август** куни КООМЕТнинг **“Узунлик ва бурчак”** техник қўмитасининг (ТҚ 1.5) 22-йиғилиши ҳамда **26–28 август** кунлари **“Акустика, ултратовуш, тебраниш”** техник қўмитаси (ТҚ 1.2)нинг навбатдаги –19-йиғилиши Тошкентда ўтказилди.

Қўшимча равишда, **“ИННОПРОМ. Марказий Осиё – 2025”** доирасида **илк бор** техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш соҳасига бағишланган **пленар сессияси** бўлиб ўтди.

Институт калибрлаш лабораторияларда **ISO/IEC 17025** халқаро стандартга асосан жорий этилган **сифат тизими** қўшимча ўлчаш йўналишлари (**акустика, вақт ва частота, ғадр-будирлик, куч ва куч моменти, газ ва суюқликлар сарфи, кичик ҳажм, дозиметри, контактли термометрия**) бўйича **кенгайтирилди.**

Грант ва техник кўмак лойиҳаларини жалб қилиш бўйича

Россиянинг “РОССТАНДАРТ” Агентлиги билан биргаликда **“Ўзбекистон Республикасида метрология соҳасида техник кўмак кўрсатиш”** Меморандуми доирасида биринчи ускуна қабул қилинди.

Россия Федерациясининг Техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология федерал агентлиги (Росстандарт) томонидан 2025 йил 25 апрелдаги АШ-1658/01-сон мурожаатига асосан етказиб берилиши режалаштирилган ускуналар сони ва муддатлари янгиланди.

*Янгиланган Ускуналар рўйхатида жами **18 та** эталон ва юқори ваниқликдаги ўлчаш воситалари киритилган бўлиб, **2025 йилда 10 дона**, **2026 йилда 5 дона**, **2027 йилда 3 дона** ускуналар етказиб берилади.*

Саудия Арабистоннинг “ACWA Power” компанияси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасида шамол ва қуёш энергетикаси метрологиясини жорий қилиш бўйича лойиҳа доирасида “NOMAC” компанияси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

*Шартнома доирасида харид қилиниши режалаштирилган **37 та** ўлчаш воситаларининг техник топшириқлари ишлаб чиқилиб, “ACWA Power” компанияси мутахассисларига юборилди. Ҳозирда компания томонидан **харид қилиш ва етказиш чоралари кўрилмоқда.***

Ўзбекистон миллий метрология институти негизда илмий тадқиқотлар учун “Квант метрологияси марказини барпо этиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича **Хитойнинг CIDCA (Хитой халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги)** агентлиги билан музокаралар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда илғор метрология, илмий-тадқиқот ишлари ва технологиялар трансфери орқали кичик ва ўрта корхоналар барқарорлигини ривожлантириш” лойиҳаси (R&D марказ) **Кореянинг Технологияларни Ривожлантириш Институти (Korea Institute for the Advancement of Technology – KIAT)** томонидан маъқулланди.

***25 август** куни Корея технологияларни ривожлантириш агентлиги (KIAT) делегацияси билан учрашув ўтказилди*

Германиянинг Физик-техник институти (РТВ) билан “Миллий сифат инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасининг 2-фазасини амалга ошириш борасида Берлин шаҳрида Германия Федерал физика-техник институти (РТВ) билан ҳамкорликда келишув имзоланди.

Германиянинг KfW банки ҳамкорлигида “Тиббиёт соҳасида ўлчаш воситаларини метрология текширувидан ўтказиш лабораторияси”ни яратиш бўйича Ҳукумат томонидан тегишли топшириқ олиниб, белгиланган тартибда ишлар амалга оширилмоқда.

Кўшимча равишда, Словакия ва Чехия давлатларининг метрология институтлари билан режалаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан Битим лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, юқори даражадаги тадбирлар доирасида имзолаш чоралари кўрилмоқда.

Газ сарфини ўлчаш лабораториясини халқаро андозаларга мувофиқ **такмиллаштириш** мақсадида **Италияда** ишлаб чиқилган газ ҳисоблагичларини қиёслаш ускунаси келтирилиб, ишга тушурилди.

Илмий салоҳиятни кенгайтириш ҳамда метролог мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш борасида

Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан эълон қилинган (**93-мур**) Илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастури доирасида бажариладиган амалий тадқиқот лойиҳалари танловида **7 та** эталон ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини **яратиш** мақсадида лойиҳа паспортлари тақдим этилган бўлиб, ҳозирда **2 та** лойиҳа Хайъат томонидан **молиялтиришга тавсия этилган** ва ҳозирги кунда амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, **1 та** лойиҳа навбатдаги Илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастури доирасида бажариладиган амалий тадқиқот лойиҳалари танловига **қайта киритилди**.

Ҳозирда экспертиза жараёни амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда институтда **62 нафар** мустақил тадқиқотчи (Phd) мавжуд.

Институт мутахассисларининг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 05.03.02 - Метрология ва метрология таъминоти ихтисослиги бўйича **август** ойида **24 нафар** (шундан **21 нафар** *Ўзбекистон миллий метрология институти қошида таянч докторантурасига қабул қилинди*) мутахассислар PhD мақомига эга бўлиш мақсадида мустақил изланувчи сифатида қабул қилинди.

Ходимлар малакасини ҳамда илмий салоҳиятни ошириш бўйича институтнинг **84 нафар** (Россия 9, Малайзия 2, Франция 6, Қозоғистон 7, Хитой 19, Беларус 4, Қирғизистон 3, Грузия 3, Таиланд 8, Чехия 6, Словакия 4, Сингапур 1, Арманистон 5, Эрон 1, Австралия 1, Озарбайжон 1, Корея 1, Греция 3) мутахассислари хорижнинг етакчи метрология институтларида семинар ҳамда ўқув курслари орқали малака оширди.

Лабораторияларнинг хизмат қамровини кенгайтириш бўйича

Илк бор ISO 17034 Халқаро стандарт талабларига мувофиқ **стандарт намуналарни ишлаб чиқарувчиси** сифатида миллий аккредитациядан ўтказилди.

Республика саноат соҳаларида аниқ ўлчашларга бўлган эҳтиёжни янада қамраб олиш мақсадида **Қорақалпоғистон Республикаси** (босим, ҳарорат), **Андижон** (ҳажм), **Бухоро** (ҳарорат), **Бекобод** (геометрия), **Жиззах** (масса), **Қашқадарё** (босим), **Наманган** (ҳарорат), **Сурхондарё** (электр), **Сирдарё** (электр), **Фарғона** (геометрия), **Қўқон** (масса, геометрия), **Хоразм** (ҳарорат, оптик-физик) **Олмалиқ** (босим) ва **Навоий** (геометрия) филиаллари калибрлаш лабораториялари, шунингдек **Қорақалпоғистон Республикаси** (ҳарорат), **Андижон** (босим, геометрия), **Бекобод** (ҳажм, сарф ва босим), **Жиззах** (куч ва қаттиқлик), **Қашқадарё** (вақт ва частота), **Навоий** (физик-кимё, геометрия, электр), **Наманган** (физик-кимё), **Самарқанд** (ҳарорат, босим ва сарф, масса, физик-кимё, ҳажм), **Сирдарё** (геометрия), **Фарғона** (ҳарорат), **Хоразм** (физик-кимё), **Қўқон** (радиотехника, геометрия, масса, физик-кимё, ҳарорат) **Чирчиқ** (ҳарорат), **Сурхондарё** (электр) ва **Олмалиқ** (физик-кимё) филиалларининг **қиёслаш лабораториялари аккредитация доираси кенгайтирилди**.

Шунингдек, институтнинг **Радиотехник катталиклар, ионлануви нурланиш ва путур етказмасдан текшириш** бўлими **вақт ва частота** ҳамда Геометрик ва механик катталикларни ўлчаш бўлими **геометрия** лабораториясининг **қиёслаш** бўйича аккредитация доираси кенгайтирилди.

Агентлик томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан **январь** ойида **Қорақалпоғистон Республикасида**, **апрель** ойида **Тошкент вилоятида** (Олмалиқ) ҳамда **июнь** ойида **Навоий вилоятида** сайёр қабуллар ўтказилди.

Газ қоришмалари ишлаб чиқариш бўйича **инновацион лаборатория барпо этиш** мақсадида лойиҳа паспорти ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, катта диаметрли газ газ сарфи ўлчаш воситаларини метрология текширувини йўлга қўйиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

IV. “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДМ.

2025 йил январь-сентябрь ойларида жами **306 та** буюртма (**115 та** аккредитация, **191 та** кенгайтириш) келиб тушган бўлиб, шундан;

107 та ижроси (**32 та** аккредитация, **75 та** кенгайтириш) таъминланган;

4 та буюртма буюртмачини хоҳишига кўра (**2 та** аккредитация, **2 та** кенгайтириш) бекор қилинган;

195 та буюртма (**81 та** аккредитация, **114 та** кенгайтириш) аккредитация жараёнлари давом этмоқда.

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида давомидида жами **55 та** МБО ва МХ аккредитациядан ўтказилди (жами **594 та** мавжуд), жумладан:

30 та синов лабораториялари (жами **302 та**);

8 та қиёслаш лабораториялари (жами **114 та**);

7 та маҳсулотларни сертификатлаштириш органи (жами **90 та**);

5 та менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи (жами **32 та**);

3 та калибрлаш лабораториялари (жами **29 та**);

1 та стандарт намуналар ишлаб чиқарувчиси (жами **2 та**);

1 та ходимларни сертификатлаштириш органи (жами **2 та**) аккредитациядан ўтказилди.

2025 йилнинг сентябрь ойида тасдиқланган Медиа режага асосан You Tube да **4 та**, **1 та** ролик, **1 та** пресс-тур, Марказ сайти ва ижтимоий тармоқлар орқали жами **97 та** чиқишлар қилинди.

V. Назорат инспекция.

Профилактика йўналишида Қонунчилик талабларини бузилишини олдини олиш мақсадида жорий йил бошидан **15 891 та** тадбиркорлик субъектига огоҳлантириш хатлари ва тарқатма материаллар юборилди.

Қорқалпоғистон **1 069 та**, Андижон **1 132 та**, Бухоро **1 065 та**, Жиззах **968 та**, Қашқадарё **1 013 та**, Навоий **1 136 та**, Наманган **940 та**, Самарқанд **1 134 та**, Сурхондарё **1 104 та**, Сирдарё **1 047 та**, Тошкент вил **1 066 та**, Фарғона **1 165 та**, Хоразм **1 012 та**, Тошкент шаҳар **2 040 та**.

Жорий йилнинг бошидан бу кунга қадар **76 та** сертификатлаштириш идораси томонидан **654 та** (**17 та** мебел жизохлари, **5 та** тамаки маҳсулотлари, **26 та** озиқ-овқат, **104 та** қурилиш, **64 та** автотранспорт, **5 та** спорт анжомлари, **6 та** ўлчов воситалари, **15 та** тағликлар, **5 та** ўйинчоқлар, **129 та** электротехника, **20 та** текстил, **44 та** матор мойлари, **7 та** минерал ўғитлар, **27 та** металлургия маҳсулотлари, **56 та** фармасевтика маҳсулотлари **17 та** ветиренария дори воситалар ва **87 та** бошқа йўналишлар ҳамда **20 та** СМТ учун расийлаштирилган сертификатлар (хизмат кўрсатиш)) расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатлари хужжатлар тўплами таҳлили амалга оширилди.

Натижада **656 та** хужжатларда камчилик аниқланди. Аниқланган камчиликлар юзасидан **26 та** сертификатлаш идораларига мувофиқлик сертификатларини бекор қилиш бўйича **29 та** тақдимнома, шунингдек **46 та** сертификатлаш идораларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича **56 та** кўрсатма хати юборилди.

Бундан ташқари **15 та** мувофиқлик сертификати хужжатлар тўплами **амал қилиши бекор килинди.**

Лабораторияларнинг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш

Бугунги кун ҳолатига **441 та** корхонада ўрганиш ишлари амалга оширилди. Кўрсатилган камчиликларни бартараф этган **379 та** комиссия якуний далолатномаларига мувофиқ техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш гувоҳномасини олишга рухсат берилди.

Баҳолаш ишлари ўтказилган **21 та** корхона белгиланган муддатларда камчиликларини бартараф этмаганлиги боис лабораториянинг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш **рад этилди.**

Шунингдек, қолган **30 та** синов лабораторияларида маъқуллаш бўйича ишлар босқичма-босқич амалга ошириб борилмоқда.